HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

BURHONUDDIN ZARNUJIY – ARABSHUNOS OLIM VA YETUK PEDAGOG

Abdullayev Muhammad Hamzayevich
Candidate of Philological
Sciences (PhD), Associate Professor
Associate Professor, Department of Arabic Language
Translation Theory and Practice
Uzbekistan State World Languages University
Tel.: +998 99 871 84 17
Email: muhammadxonxamzayev@gmail.com

Abstract: This article presents information about Arabic linguists working in Mawwarunnahr who have not yet been included in this discipline. Below, we analyze the scholarly and pedagogical work of "Burhan al-Din Zarnuji – an Arab scholar and eminent educator." We highlight his contributions to the Arabic language, Islamic sciences, and education, particularly the pedagogical views set forth in his famous work, "Talim al-Muta'allim Tariq al-Ta'allum." We also analyze Zarnuji's ideas on the ethics of knowledge acquisition, teacher-student relationships, teaching methods, and moral education, drawing on scholarly sources.

Keywords: Burhan al-Din Zarnuji, Arabic studies, pedagogy, education, upbringing, Arabic language, Islamic sciences, teacher-student relationships, "Talim al-Muta'allim," and scholarly ethics.

БУРҲОНУДДИН ЗАРНУЖИЙ АРАБШУНОС ОЛИМ ВА ЕТУК ПЕДАГОГ

Аннотация: Мазкур мақолада ҳали фанга киритилмаган Мовароуннаҳрда ижод қилган араб тилшунослари ҳақида маълумот берилади. Қуйида “Бурҳонуддин Зарнужий-арабшунос олим ва етук педагог” илмий-маърифий фаолияти таҳлил қилинади. Алломанинг араб тили, ислом илмлари ва таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари, айниқса, унинг машҳур “Таълим ал-мутаъаллим тариқ ат-таъаллум” асарида илгари сурилган педагогик қарашлари ёритилади. Шунингдек, Зарнужийнинг илм олиш одоби, устоз ва шогирд муносабатлари, таълим методлари ҳамда ахлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари илмий манбалар асосида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Бурҳонуддин Зарнужий, арабшунослик, педагогика, таълим, тарбия, араб тили, ислом илмлари, устоз-шогирд, “Таълим ал-мутаъаллим”, илм одоби.

Мовароуннаҳрда муғуллар истилосидан олдинроқ салсуқийлар (1037-1300) давлати барпо этилган. Бу давлат туркийлар давлати бўлиб, унинг асосчиси Салжуқ ибн Даққоқ, Афросиёб авлодларидан, ғазнавийлар давлати таркибида қумондон бўлган ва кейинчалик ўзи мустақил бўлиб ажралиб чиққан. Салжуқийлар Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Ироқ, Рум давлатларини эгаллаб катта давлатни барпо этадилар.Улар илму маърифат ҳомийси бўлиб, уларнинг даврида буюк олиму фузалолар етишиб чиққанлар. Ўша Мовароуннаҳрда ҳам илм ривож топиб, Самарқанд, Бухоро ва Марғилон шаҳарлари илм марказига айланади. Бугунги мавзумиз бўлмиш Зарнужий (1150-1223) ўша олтин давр маҳсулидир. Аввало, у ёзган асари билан, у яшаган замон ва муҳит билан танишиб олганимиз маъқул. Зеро китобнинг қадрини кўп жиҳатдан муаллифнинг илми, унинг асри ва шу аср етиштирган илм даражаси белгилаб беради.

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

Қўлимиздаги «Таълимул мутаъаллим ториқат-таъаллум» эса педагогика таълими тарихида ўзига хос, ҳатто нодир китоблардандир. Унинг муаллифи — Имом Бурҳонулислом-Бурҳонуддин Зарнужий. Имом Зарнужийнинг ҳаёти ҳижрий олтинчи асрнинг иккинчи ярми билан еттинчи асрнинг боши орасига тўғри келади. Қизиғи шундаки, унинг на туғилган, на вафот этган йили аниқ маълум эмас. Бундай ҳолда тарихчилар, одатда, бир йўлни тутишади: кишининг устозлари қачон яшаб, қачон вафот этганини аниқлаб, шунга қараб шогирдининг ҳам тахминий санасини тиклашади. Шу йўл билан айтиш мумкинки, у **ҳижрий 550–640ҳ.—1155-1223 м. йиллар** оралиғида яшаган; кўпчилик манбалар вафотини тахминан ҳижрий 620 (милодий 1223) йил атрофида кўрсатади. Бу давр бизнинг диёримиз учун осойишта ва баракали “олтин давр” эди. Мовароуннаҳрда — Бухоро, Самарқанд ва уларнинг атрофида — Имоми Аъзам Абу Ҳанифа мазҳаби, яъни ҳанафий фиқҳи айни гуллаган, шу йўлда довруғ қозонган йирик алломалар бирин-кетин етишиб чиққан эди. Имом Зарнужий ҳам ана шундай зотларнинг қўлида таҳсил кўрган. Сиёсий жиҳатдан қарасак, бу замон Салжуқийлар давлатидан кейинги, араб тилида «Дувалул Атабика» — Отабекийлар ҳокимиятлари деб аталган турли кичик ҳукмдорликлар даврига тўғри келади. Салжуқийлар илм-маърифатга, айниқса бизнинг ўлкаларда таълимга ниҳоятда эътиборли давлат бўлган; шунинг учун ҳам V–VI асрларда бу томонларда илм ҳар қачонгидан кучлироқ равнақ топган. Бу-кейинроқ Шарқ оламини ларзага солган мўғул босқинидан озгина олдинроқ давр бўлган. [Али акбар Деҳҳудо. Луғатномаъ

Зарнужийнинг устозларининг бари ўз даврининг энг кўзга кўринган сиймоларидан эди. Биринчи бўлиб тилга олинадигани — машҳур «Ҳидоя» соҳиби Бурҳонуддин Али ибн Аби Бакр ал-Марғиноний. У ўз вақтида ҳанафий уламоларининг пешвоси, фатво бошида турган муфтий бўлган; ҳижрий 593-1196 м. йили вафот этган. Иккинчиси — Қозихон номи билан танилган Фахруддин Ҳасан ибн Мансур ал-Ўзгандий. Имом Заҳабий уни “ҳанафийлар шайхи, аллома” деб тилга олади, фатволари эса “Фатвои Қозихон” номи билан бугунгача мадрасаларда ўқиб келинади; вафоти 592 ҳ.-1195 м. йил.Яна бир устози — Самарқанд яқинидаги “Чўғ” қишлоғидан бўлгани учун Имомзода Чўғий деб аталган Рукнул Ислом Муҳаммад ибн Аби Бакр эди. Аллома Самъоний уни Бухоро аҳлининг муфтийси, фозил имом, фақиҳ, воиз, адиб ва тақводор зот деб мақтайди, ҳатто ўзи бу кишидан дарс олганини айтиб ўтади. [Али акбар Деҳҳудо.Луғатнома.] у 573 ҳ.-1177 м. йили вафот этган. Яна бири, Бухородан етишиб чиққан Ҳаммод ибн Иброҳим ас-Саффор (вафоти 576 ҳ.-1180 м. йил), фиқҳ, адаб ва шеърда тенгсиз бўлган, Адиби Мухтор лақабли Рукнуддин Фарғоний (Марғилонда 594 ҳ.-1197 м. вафот этган) ҳам унинг домлалари сирасига киради. Алоҳида тўхталиб ўтишга арзийдиган яна бир устози — Саъдуддин ат-Тирозий. У Бухоро машойихидан бўлиб, аллома Заҳабийнинг айтишича, «Ҳидоя» соҳиби Марғинонийнинг ҳам устози бўлган.

Аввало, «Зарнуж» сўзи ҳақида. Бу — Ўзган атрофидаги, ўзимизнинг қадим қишлоқларимиздан бирининг номи. Тўғриси, унинг қандай талаффуз қилинишида ҳам ихтилоф бор: баъзи манбаларда «зой» ҳарфи фатҳа билан **Зарнуж**, «Мўъжамул булдон» соҳиби Ёқут Ал-Ҳамавийда эса замма билан **Зурнуж** деб ёзилган. Қайси бири тўғрилигига қатъий далил топилмади. [Ёқут Ал-Ҳамавий Мўъжамул булдон].

Аммо шундай оддий бир қишлоқда туғилиб, Марғилон, Бухоро ва Самарқанд атрофида таҳсил олган толиби илм бундай мукаммал асарни араб тилида ёза олгани кўп нарсадан дарак беради. Бу — ўша пайтда бизнинг ўлкада араб тили ва дарслиги қанчалик жиддий ўрганилганини, муомала тили амалда ўзбекча-тожик тили ва илм тили араб тили бўлганини кўрсатади. Эътибор берсангиз, бошқа баъзи ажам уламолар асарида сезилиб турадиган ғализликни бу китобда учратмайсиз — чунки муаллиф ўсиб-улғайган муҳитнинг ўзи Қуръон тили-араб тили ҳукмрон бўлган муҳит эди. Албатта, бу билан бирга маҳаллий тиллар ҳам

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

ўрганилган; шунинг учун китобда ора-сира форсий байтлар ҳам учраб қолади. Энг муҳими эса бошқа ёқда. Зарнужий бу китобни ёзганидан кўп ўтмай, Шарқ оламига мўғул-татарлар ҳужуми бошланди. Биринчи зарба айнан, Мовароуннаҳрга — бизнинг диёримизга тушди. Чингизхон бошлиқ бу ҳужум шу қадар шафқатсиз бўлдики, олиму фузалони қўятуринг, оддий халқ ҳам қириб ташланди, илму маърифатга оид китоблар ёппасига йўқ қилинди. Тарихда ёзилишича, мўғуллар ҳижрий 656-1256 м. йили Бағдодга кирганида, Дижла ва Фрот сувга оқизилган китобларнинг сиёҳидан қоп-қора бўлиб оққан эди. Шу сабабли бизнинг ўлкада қарийб икки юз йил давомида деярли бирорта йирик аллома етишиб чиқмади — устозлар ҳам, уларнинг шогирдлари ҳам бирваракай йўқотилган эди. Жонини сақлаб Шом ва Миср диёрларига қочганлар у ёқларда илмни тарқатиб қолишди, бу ердагилар эса узилиб кетди. Ана шунинг учун ҳам бундай қадим замонда ёзилган бу китоб биз учун ниҳоятда азиз: у мўғул босқинидан олдинги илм даражасини, ўша гуллаган маънавиятнинг бир парчасини бизга етказиб турган нодир мерос. Зарнужийдан на тузук таржимаи ҳол, на бошқа асар қолмагани ҳам — аслида шу фожианинг изи: бунчалик катта алломалар қўлида ўқиган кишидан атига битта китоб қолиши, ўйлаб кўрсангиз, ўз-ўзидан бўлган иш эмас.

Муаллиф китобнинг бешинчи фаслида қуйидаги фикрларни илгари суради ва бу фаслни ҳаракатчанлик ва олий ҳиммат масаласига бағишлайди. Матнга эътибор берсангиз, муалифнинг гапи қисқа ва аниқ: толиби илм доимий уринишда, қироат кетидан қироатда бўлмоғи, ўқийдиган китоби ва устозидан бир қадам ҳам узилмаслиги — мулозамат қилиши керак. Бунинг негизи Қуръоннинг ўзида турибди. Аллоҳ таоло Яҳё алайҳиссаломга хитоб қилиб, **«Эй Яҳё, китобни қувват билан ол»** дейди. Китобни «куч билан олиш» — бу жиддийлик ва тиришқоқликдан бошқа нарса эмас. Кетидан Аллоҳ унга хос бир неъматни эслатади: “Биз унга ҳукмни (пайғамбарликни) ҳали ёш чоғидаёқ ато этган эдик”.Бундан маълум бўлаяптики, салафларимиз нечоғлик жиддий, нечоғлик тиришқоқ кишилар экани ҳам аён бўлади. Ахир олимлик даражасига дангасалик билан, ётиб олиб эришиб бўлмайди — у уйқусиз кечалар, дарсни дарсга, риёзатни риёзатга улаш эвазига қўлга киради. Шу ўринда муаллиф бир нечта ҳикматли сўзни — товушдошлиги учун қулоққа ёқимли келадиган жинос санъати билан безалган иборани келтиради. Биринчиси:

مَنْ طَلَبَ شَيْئًا وَجَدَّ وَجَدَ

Ман талаба шайъан, важадда — важада

“Ким бир нарсани истаб, унга жиддий ёпишса — топади”. Бу ерда «жидд қилди» ва «топди» сўзлари бир-бирига шунчалик яқин янграйдики, гўё маъно сўзнинг ўзига сингиб кетган: тиришганнинг қўли албатта мақсадга етади. Иккинчи ибора ҳам шунга ўхшаш: [Бурҳонуддин Зарнужий. Таълим ал-мутаъаллим фий тариқ ат-таъаллум]

وَمَنْ قَرَعَ الْبَابَ وَلَجَّ وَلَجَ

Ва ман қараъал баба, ва лажжа — валажа

“Ким эшикни тақиллатса ва тақиллатишда қаттиқ турса — киради”. Эшикни бир уриб, жавоб бўлмагач кетиб қолган эмас, балки такрор билан, дам олмай тақиллатган киши охири ичкарига киради. Худди шу мазмунда яна бир гап бор: қанча машаққат чексанг, орзуингга шунча яқинлашасан. Бизда ҳам бунинг ўхшаши етарли — «Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда», «Жон куйдирмасанг, жонона қайда» деймиз-ку. Қорин силаб ўтириб мурод ҳосил бўлмайди; барака доим ҳаракатнинг ортидан келади.[Бурҳонуддин Зарнужий. Таълим ал-мутаъаллим фий тариқ ат-таъаллум]

Муаллиф бу бобда Имоми Шофиъийнинг байтига мурожаат қилади:

وَالْجَدُّ يَفْتَحُ كُلَّ بَابٍ مُغْلَقٍ •اَلْجَدُّ يُدْنِي كُلَّ أَمْرٍ شَاسِعِ
ذُو هِمَّةٍ يُبْلَى بِعَيْشٍ ضَيِّقٍ •وَأَحَقُّ خَلْقِ اللهِ بِالْهَمِّ امْرُؤٌ

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

بُؤْسُ اللَّبِيبِ وَطِيبُ عَيْشِ الْأَحْمَقِ •وَمِنَ الدَّلِيلِ عَلَى الْقَضَاءِ وَحُكْمِهِ
ضِدَّانِ يَفْتَرِقَانِ أَيَّ تَفَرُّقِ •لَكِنَّ مَنْ رُزِقَ الْحِجَا حُرِمَ الْغِنَى

Байтнинг бошидаги сўзда бир нозиклик бор: у ал-жидд (тиришқоқлик)ми, ёки ал-жадд (насиба, толе)ми? Матнда ҳаракатлар қўйилмаган, шунинг учун ҳар иккиси ҳам ўқилиши мумкин. Аммо кейинги байтларнинг руҳига қарасак, бу сўз кўпроқ **насиба** маъносига мос тушади. Шуни ёдда тутиб, маъносини кўрайлик.[Бурҳонуддин Зарнужий. Таълим ал-мутаъаллим фий тариқ ат-таъаллум]

Биринчи байт маъноси: «Насиба (ёки тиришқоқлик) ҳар қандай узоқ ишни яқин қилади, ҳар қандай берк эшикни очади». Иккинчиси теранроқ: «Аллоҳнинг бандалари ичида ғам чекишга энг лойиғи — ҳиммати баланд, аммо тор ҳаётга гирифтор бўлиб қолган кишидир». Зеҳни ўткир, кўнгли улуғ, кўп иш қилгиси бор — лекин турмуш қўлини боғлаб қўйган, бир бурда нон ташвишида умри ўтиб бораётган одам. Ана шу одам — энг кўп ич-этини ейишга маҳкум.

Учинчи байт қазо ва қадар сирига ишора қилади: «Тақдир ҳукмига далил бўладиган нарсалардан бири — ақллининг бахтсиз, аҳмоқнинг эса фаровон яшашидир». Бизда ҳам бор-ку: «Айшу ишратни нодон чекиб, кулфатни доно тортадур». Тўртинчи байт буни хулоса қилади: «Ақл насиб этилганлар кўпинча бойликдан қуруқ қолади; бу икки нарса доим бир-биридан қочиб юрадиган икки зиддир». Кўп ҳолда шундай — пули мўлнинг ақли камроқ бўлиб чиқади. Айни шу маъно ҳам бошдаги сўзни «тиришқоқлик» эмас, «насиба» деб ўқиган маъқулроқ эканига далолат қилади: банданинг бошига нима тушиши, охир-оқибат, насибасига боғлиқ. Аллоҳу аълам.

Энди шеърнинг вазнига келсак. Бу — **Баҳри Комил**да ёзилган. Баҳри Комил مُتَفَاعِلُنْ (мутафāъилун) тафъиласининг такрорланишидан тузилади. Бу тафъилада баъзан унинг ҳаракатли иккинчи ҳарфи (яъни «тā») сокинга айланиб қолади — арузда буни **измор** дейилади — ва тафъила مُتْفَاعِلُنْ шаклига тушади. Шуни эслаб қўйиш фойдали: иккинчи ҳарф ҳаракатли бўлиб туриб сокинлашса — измор; сокин ҳарфнинг ўзи тушиб қолса — хабн; ҳаракатли ҳарф бутунлай тушиб кетса — ноқис.Шу шеърнинг биринчи мисрасини бўлаклаб ўқиб кўрайлик:

رِنْ شَاسِعِي •نِي كُلَّ أَمْ •اَلْجَدُّ يُدْ

(мутфāъилун) — (мутфāъилун) — (мутфāъилун)

Бундай ўқилганда тафъила مُسْتَفْعِلُنْ(мустафъилун) вазнига ўхшаб қолади, шеър эса гўё Баҳри Ражаздек туюлади. Аммо бу — Ражаз эмас, изморга учраган Комил. Бунинг далили иккинчи байтда кўриниб қолади: «ва-аҳаққу хал…» дейилганда иккинчи ҳарф ҳаракатли ҳолда, яъни асл مُتَفَاعِلُنْ шаклида сақланиб турибди. Шундан биламизки, юқоридаги мисралар ҳам аслида Комил эди, фақат изморга учраган экан. Бир оғоҳлантириш: бунинг номи «ишмом» эмас, айнан «измор» — иккинчи ҳаракатнинг сокин бўлиб қолишидир.[Бурҳонуддин Зарнужий. Таълим ал-мутаъаллим fiy тариқ ат-таъаллум]

Муаллиф давом этиб, фаслда муаллиф кечанинг қадрига алоҳида урғу беради ва бир ҳикматни келтиради: **«Кечани ўзингга бир туя қилиб ол, шу орқали муродга етасан»**. Маъноси жуда ўткир. Тасаввур қилинг, сиз узоқ сафардасиз; йўловчи манзилга етиш учун туяга муҳтож бўлгани каби, сиз ҳам кечани туя қилиб олинг — уни уйқу билан ҳавога совурманг, балки минг чақирим йўлни босиб ўтадиган уловга айлантиринг. Йўловчи туя устида қанчалик тез манзилга етса, аҳли илм ҳам кечаларини ўйғоқ ўтказиш ҳисобига шунчалик тез камолотга яқинлашади. Худди шу маънода муаллифнинг ўз қаламига мансуб икки байт ҳам бор. У камтарлик билан «бу мазмунда менга бир назм тузиш насиб бўлди» деб, қуйидагини келтиради:

فَلْيَتَّخِذْ لَيْلَهُ فِي دَرْكِهَا جَمَلَا •مَنْ شَاءَ أَنْ يَحْتَوِيَ أَعْمَالُهُ جُمَلَا

Ман шаъа ан яхтавий аъмалуҳу жумалан • фал яттахиз лайлаҳу фий даркиҳа жамала

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

“Ким орзулари илмни тўла қамраб олишини истаса, ўша орзуларга етиш учун кечасини туя қилиб олсин”. Кейинги байт эса бедорликнинг бир шартини очиб беради:

إِنْ شِئْتَ يَا صَاحِبِي أَنْ تَبْلُغَ الْكَمَالَا •فَقَلِّلْ طَعَامَكَ كَيْ تَحْظَى بِهِ سَحَرًا

Қоллил тоъамака кай таҳзо биҳи саҳаран • ин шиъта я соҳибий ан таблуғал камала

“Эй дўстим, камолотга етишни истасанг, таомингни оз қил — токи саҳарнинг бедорлигига муяссар бўлгайсан”. Бу ерда нозик бир ҳақиқат бор: кечаси ухламаслик учун шунчаки “ухламайман” деб қарор қилишнинг ўзи кифоя эмас; унинг сабабларини ҳам муҳайё қилиш керак. [Бурҳонуддин Зарнужий. Таълим ал-мутаъаллим фий тариқ ат-таъаллум] Ўша сабабларнинг энг бошида — таомни камайтириш туради. Шеърнинг вазни эса Баҳри Баситда; бу — машҳур Каъб ибн Зуҳайр қасидасининг ҳам вазни, (Каъб ибн Зуҳайрнинг Қасидаи “Бурда” си) фарқи шундаки, бу ерда хабн ҳодисаси юз беради: «фāъилун» тафъиласидаги сокин «алиф» тушиб қолади ва у «фаъилун» шаклига келади — худди «мустафъилун»даги «син» тушиб «мутафъилун» бўлиб қолгани каби. Лекин муаллиф бу гапни яна бир ибора билан мустаҳкамлайди: **«Ким кечаси ўзини бедор тутса, кундузи қалбини шодликка тўлдиради»**. Кечасидан унумли фойдаланган кишининг кўнгли — ўйлаган сари яйрайди. Ухлаб ётган одам кундузи ланж тортиб, ўтган тунни уйқуда совурганидан ич-ичидан афсус чекса, бедор ўтган киши кечасининг баракали ўтганини эслаб қувонади. Шунинг учун кечанинг икки чети — кеч кириши ва саҳар пайти — толиб учун дарс ва такрорга энг муборак фурсат саналади. Аммо тунги бедорликнинг калити — оз ейишда. Имом Суфён ас-Саврий буни жуда содда тушунтирган: **«Кўп емагин — устидан кўп сув ичасан; сувни кўп ичсанг — кўп ухлаб қоласан»**. Қорин тўлса, одамни уйқу босади; таому сувга тўйган бадан ўзи уйқуни тортиб келади. Шунинг учун салафларимиз уйқуси енгил бўлсин деб таомни жуда оз еган.Бироқ «оз ейиш» деганда икки коса ош ўрнига бир коса ейишни тушунмаслик керак. Бу ердаги ўлчов — белни тик тутиб турадиган, инсонни мадорсизликдан сақлайдиган миқдор. Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: **«Одам болисига белини тутиб турадиган бир неча луқма кифоя»**. Ортиқчаси, аслида, юкнинг ўзи. Агар барибир ейиш зарур бўлса, ўлчов бундай: «Қорнининг учдан бирини таомга, учдан бирини сувга, учдан бирини нафасга қолдирсин». Толиби илм эса — одамлар ичида энг риёзатлиси бўлмоғи лозим. Толиб дегани бошқалардан кўп ейдиган, бети тирсиллаб турадиган ва бақбақалари осилиб турган киши эмас; аксинча, ўша камтарин таоми ва тиниқ кўриниши билан ажралиб турадиган одамдир. Салафлардан бирига «Кунига неча маҳал ейиш керак?» деб савол берилганида, у «бир маҳали кифоя» деб жавоб берган. «Икки маҳал-чи?» дейилганда, «бу — оддий одамларнинг одати»; «уч маҳал-чи?» деганларида эса, киноя билан: «унга айтинглар, ўзига охур ясатиб олсин» деган. Яъни уч маҳал ва ундан ортиқ ейиш инсонни ҳайвон табиатига яқинлаштириб қўйгани учун шундай қаттиқ таъриф берилган. Афсуски, бизнинг замонга келиб бу чегара аллақачон бузилди — тиқиб ейилаётган таомнинг устидан сув ичишга ҳам жой қолмайдиган ҳолатлар оз эмас. Оз ейишнинг толибга нафи эса аниқ: таомни камайтирган кишининг **зеҳни тиниқлашади, уйқуси камаяди, тафаккурга кенглик очилади**. Чунки баданнинг бутун қуввати таомни ҳазм қилишга кетаверса, ўйлаш учун на дармон, на бўш фурсат қолади. Уламоларимиз бежиз айтмаган: «Баданни оч тутгин, токи фикрга йўл очилсин». Инсон очликдан ўлмайди. «Тўғри овқатланиш»нинг энг фойдали йўли ҳам — аслида шу: кунига бир маҳал тўйиб, қолган вақт оч қолган ошқозонни озгина сув билан овутиб туриш. Шунда фикр жойига тушади, кўнгил равшанлашади, илм қалбга енгил ўрнашади.

Муаллиф фаслни бир байт билан хулосалайди:ерилгани:

تَمَنَّيْتَ أَنْ تُمْسِيَ فَقِيهًا مُنَاظِرًا •بِغَيْرِ عَنَاءٍ وَالْجُنُونُ فُنُونُ

Таманнайта ан тумсия фақийҳан муназиран • би ғайри анаин вал-жунуну фунун

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

«Сен ҳеч заҳмат чекмай туриб ҳамматарафлама етук олим, нозукфаҳм бир фақиҳ бўлишни орзу қилибсан — жинниликнинг ҳам чегараси борку. Ҳеч нарса ўқимай, бир жойда ўтириб домла бўлиб қолишни исташ — гўё телбаликнинг бир туридир. Иккинчи байт бу мутлақ ҳақиқат билан мустаҳкамлайди:

تَحَمَّلْهَا فَالْعِلْمُ كَيْفَ يَكُونُ •وَلَيْسَ اكْتِسَابُ الْمَالِ دُونَ مَشَقَّةٍ

Ва лайсактисабул мали дуна машаққатин • таҳаммулуҳа фал-илму кайфа якун

“Мол-дунё ҳам уни топиш машаққатини кўтармай туриб қўлга кирмас экан — илм қандай қилиб машаққатсиз ҳосил бўлсин?!” [Бурҳонуддин Зарнужий. Таълим ал-мутаъаллим фий тариқ ат-таъаллум] Шу ерда бутун фаслнинг жони жамланган: илм — ҳаракат, риёзат ва тунги бедорликнинг мевасидир. Кечани улов қилган, таомини камайтириб тафаккурга йўл очган, дарсни дарсга улаган толибгина камолот эшигини оча олади. Машаққатсиз илм — машаққатсиз бойлик каби таназзулга маҳкум.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Бурҳонуддин Зарнужий ўрта аср Шарқ илм-фани ва педагогик тафаккурининг йирик намояндаларидан биридир. У нафақат араб тилини мукаммал эгаллаган арабшунос олим, балки таълим-тарбия масалаларини чуқур тадқиқ этган етук педагог сифатида ҳам илм тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг “Таълим ал-мутаъаллим тариқ ат-таъаллум” асари илм олиш одоби, устоз-шогирд муносабатлари, билимнинг қадри ва таълим методларига бағишланган бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Зарнужий илмни инсон камолотининг энг муҳим омили деб билган ва ёшларни илмга муҳаббат, сабр-тоқат ҳамда юксак ахлоқ руҳида тарбиялашни тарғиб этган. Шу боис унинг илмий-педагогик мероси замонавий таълим тизими ва тарбия жараёнида ҳам муҳим назарий ва амалий манба сифатида қадрланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 2013 -علي اكبر دهخدا. لغة نامه. تهران
2. 2010 -تعليم المتعلم طريق التعلم. الامام الزرنوجي. . مصر